Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 198 (6. 987) 1989 йил 30 август, чоршанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

● «Ҳосилни қабул қилинг» — «Правда» газетаси бугунги обзорининг сарлавҳаси ана шундай номланади.

● Одамлар мамлакатдаги миллатлараро муаммолар ҳақида нима деб ўйлашмоқда? Уларнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» тўғрисидаги КПСС платформасига, КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол ҳақидаги баёнотига муносабати қандай? Бугун газеталардан ана шу миллий масалага бағишланган турли-туман мақолалар ўрин олган.

● Республика газеталарида «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни лойиҳаси эълон қилинган.

ХАЛҚ НОМИДАН

«Правда» мухбирининг саволларига СССР Мудофаа министрлиги кадрлар Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-полковник В. Арапов жавоб берди.

— СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 декабрь Фармони билан СССР Олий Совети Президиумининг байналминалчижанг чига Ерлиғи таъсис этилди. Шунингдек, «Байналминалчи-жангчига» кўкрак нишони ҳам таъсис этилган. Виталий Фёдорович, улар кимларга топширилади?

— Биринчидан, чекланган совет қўшинлари таркибида вақтинча Афғонистон Республикасида хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга.

Бундан ташқари, буни алоҳида таъкидлайман, ёрлиқ ва нишонни 1979 йил 1 декабрга қадар жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда байналминал бурчини бажарганлар ҳам олади.

— Мукофотларни кимлар топширади?

— СССР Олий Совети Президиуми номидан ёрлиқни қисмларнинг командирлари, СССР Мудофаа министрлиги муассасалари, ҳарбий-ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларининг бошлиқлари, шунингдек иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳарбий комиссарлари, ўлка, область, округ, район ва шаҳар ҳарбий комиссарлари топширадилар.

— Нималар мукофотлаш учун асос бўлиб хизмат қилади? Қандай ҳужжатлар керак бўлади?

— Ёрлиқ ҳарбий хизматчиларга тегишли командирлар ва бошлиқлар томонидан; запасга бўшатилганларга — турар жойлари бўйича район ва шаҳар ҳарбий комиссарлари томонидан тузилган ва тасдиқланган рўйхатлар асосида топширилади.

— Агар кимдир байналминал бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки хизматдан қайтганидан сўнг вафот этган бўлса-чи? Унга ҳам мукофот берилдими?

— Албатта. Ёрлиқ ва нишон ҳалок бўлган ёки вафот этган ҳарбий хизматчининг оиласига топширилади.

— Командирлар ва ҳарбий комиссарлар рўйхатларни тузишда нималарга амал қиладилар?

— Офицерларга, прапорщикларга, мичманларга ва белгиланган хизмат муддатидан сўнг хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга рўйхатлар шахсий делоларидаги, ҳарбий билетларидаги совет қўшинлари сафида жанговар ҳаракатлар олиб борилган Афғонистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар территориясида хизматни ўтаганликлари ҳақидаги ёзувлар асосида ёки партия ва ҳукумат қарори билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома асосида тузилади. Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилганларнинг рўйхати ҳарбий комиссариатлардаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги инвалидлик гувоҳномаси ёки имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар асосида тузилади. Ҳалок бўлган ёки вафот этганларнинг оила аъзолари рўйхати — ҳарбий комиссариатлардаги мавжуд боқувчисини йўқотганлиги, байналминал бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлганлиги ёки вафот ~~этганлиги~~ муносабати билан нафақа тайинлаш ҳақидаги ҳужжатлар асосида; бир йўла нафақа тўлаш ҳақидаги ҳужжатлар асосида; ўлими ҳақидаги хабарнома ёки бошқа ҳужжатлар асосида тузилади.

— Сўнгги савол. Таъбир жоиз бўлса, ана шу муҳим давлат тадбирининг ташкилий-техник жиҳатларини кимлар таъминлайди?

— СССР Мудофаа министрлигининг кадрлар Бош бошқармаси.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, ёрлиқ ва нишонларни топшириш шунчаки расмий тадбир эмас, шавкатли жангчиларимизнинг хизмати учун совет ҳокимияти ва халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиш учун яна бир яхши баҳонадир.

КПСС платформаси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

Ҳамжиҳатликда гап кўп

«Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати (КПСС платформаси)» лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб жойларда ўтказилаётган йиғилишларда бу муҳим сиёсий ҳужжатнинг халқлар дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Яқинда Октябрь районидаги 40-ўрта мактаб биносига шу районнинг «Авангард» ва «Кўкча» маҳаллалари фаоллари, пенсионер онахон-отахонлар, йигит-қизлар жам бўлдилар. Кўпчилик чуқур қизиқиш билан танишиб чиқаётган партия платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказиладиган йиғилишга ҳамманинг катта қизиқиш билан қараётганлиги бир қарашдаёқ сезилиб турарди.

— Бугунги учрашувдан мақсад миллий масала ва миллатлараро муносабатлар юзасидан дилдан суҳбатлашиб, фикр алмашишдан иборат, — деди йиғилишни очган Тошкент шаҳар партия комитети идеология бўлимининг сектор мудири Ҳотам Маҳкамович Абдураимов. — Бу муҳим иш ҳозир жиддий муносабатни тақозо этмоқда, ўзига ақлу-заковат билан ёндошиш кераклигини талаб қилаяпти. Ахир бирлик—ҳамжиҳатликда, деб бежиз айтилмаганда. Бас, шундай экан, ана шу қудратли воситага ҳар биримиз чексиз куч-қувват бахш этайлик. Бу эса бевосита қайта қуришнинг амалий муваффақиятини таъминлашга хизмат қилсин.

Йиғилишда биринчи бўлиб сўз олган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти директори, адабиётшунос олим Азиз Пўлатович Қаюмов КПСС платформаси лойиҳасининг аҳамиятига батафсил тўхталди.

— Тарихий ҳужжат юзасидан қабул қилинажак қонун мажмуалари, — деди у,—барча халқларнинг эркин тараққий этиши, улар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Фарғонадаги воқеалар барчамизга бир умрлик жиддий сабоқ бўлиши зарур. Зеро, оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни янги поғонага кўтармай туриб аниқ мақсадларни амалга ошириш мушкуллигича қолаверади.

Миллий масала ва миллий муносабатлар юзасидан тўпланиб қолган муаммоларни қандай ҳал этиш мумкинлиги йиғилиш қатнашчиларини беиҳоя қизиқтираётганлиги шубҳасиз эди. Шу боисдан ҳам унга тўпланганлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Ўнга яқин пенсионерлар, маҳалла фаоллари ва унда истиқомат қилувчи аҳоли вакилларининг саволларига жавоблар берилди. Ёшларни тарбиялаш, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қиладиган расм-русумларни тиклашнинг мавруди келганлигига тўхталиб ўтилди.

Учрашувдан кўпчилик бениҳоя мамнун бўлди. Унга йиғилганлар бу ерда ҳаммаларнинг дилидаги, кўнглидаги гаплар айтилганлигини алоҳида қувонч билан эътироф этдилар. Шу билан биргаликда бундай учрашувларни шаҳримиздаги барча маҳаллаларда, квартал ва массивларда тез-тез ўтказиб турилиши фақат яхши самара берган бўлур эди, дея алоҳида таъкидланди.

Д. ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

Р. Шарипов суратлари.

Бунёдкорлар туҳфаси

◎ «Ташгорстрой» территориал қурилиш бирлашмасига қарашли 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси коллективи ҳам пойтахтимизнинг йил сайин замонавий турар-жой, маданий-маиший объектлар, мактаб, болалар боғчалари бинолари билан бойиб боришига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Бошқарма бунёдкорлари бу йил янги ўқув йилига пойтахтимиз ўқувчилари учун 2.757 ўринли учта мактаб, 320 кичкинтойга мўлжалланган битта болалар боғчаси биналарини қуриб, фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Ана шундай илм даргоҳларидан бири Акмал Икромов районидаги Зиё Саид кўчасида жойлашган 116-мактаб учун бунёд этилаётган 542 ўринли қўшимча бинодир.

Мазкур объектни ўз муддатида ўқувчиларга ҳадя этиш учун бошланган ўзаро мусобақа бошқарманинг Герман Кузнецов, Раян Саматов, Миржалил Абдуллаев, пардозлаш трестининг 31-қурилиш бошқармасидан Виктор Дахов, Владимир Бановлар етакчилик қилаётган бригада коллективлари карвонбошиликни қўлдан бермай келишаяпти.

Ҳа, мактабларда биринчи қўнғироқ овози янграшига саноқли кунлар қолаяпти. Шу боисдан ҳам ҳар бир бунёдкор коллектив ўзи бажарган ишларни бирма-бир кўздан кечириб, уни беками-кўст давлат қабули вакилига топширишга ҳаракат қилаяпти.

— Бунёдкорларимиз биринчи сентябрга муносиб совға тайёрлаш учун кўплаб ёрдамчи пудратчи ташкилот коллективлари билан ҳамжиҳатликда фидокорона меҳнат қилишди,— дейди биз билан суҳбатда бошқарманинг иккинчи участкаси бошлиғи Ҳожимурод Исмонов.

— Янги мактабда ўқувчилар фан чўққиларини мукаммал эгаллашлари учун барча шароит мавжуд.

Янги илм даргоҳининг тез ва сифатли бунёд этилишида Ўктам Саидаҳмедов, Ҳикматилла Тожихонов, Анатолий Чернишев, Юсуп Қосимов, Амет Абдулвеков сингари монтажчи, пайвандчи, дурадгорларнинг муносиб хизматлари бор. Улар кунлик нормаларини ортиғи билан адо этишда ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти.

Айни кунларда бошқарма бунёдкорлари мактаб биносини сентябрь арафасида фойдаланишга топшириш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар этишаяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Компьютер маркази чорлайди

Яқинда «Қизил Шарқ» массивида янги компьютер маркази ўз эшикларини очди. Компьютер билан ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш ниятидаги барча ҳамшаҳарларимиз бу ерга ташриф буюришлари мумкин.

— Бу дебочагина холос, — деб ҳикоя қилади «Алгоритм» заводи директорининг ўринбосари Б. Ҳусанов, — Биз компьютер ўйинлари ижарага бериладиган бутун бир тармоқни ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Марказнинг филиаллари биринчи навбатда «Алгоритм» ва «Гулистон» массивларида пайдо бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ ЙИЛГА ҲИСОБ ОЧИЛДИ

● «УЗБЕКСЕЛЬМАШ»да кўплаб ёшлар коллективлари бор. Булардан бирига моҳир ветеран ишчи Р. Турунов етакчилик қилади.

Бу коллектив ўн иккинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йили август ойи топшириқларини шараф билан муддатидан олдин уддалади. Меҳнат унумдорлиги эса 9 фоиз ошди. Ўнлаб килограмм мойлаш материаллари, анчагина машина қисмлари ва бошқа буюмлар тежаб қолинди.

Бригада эришган бу ютуқлар яна ҳам мустаҳкамланмоқда. Коллектив янги йилнинг дастлабки кунлари ҳисобига юксак самарадорлик билан ишлай бошлади.

Бу ерда тайёрланаётган УПХ—1,5 В маркали кўрак чувийдиган машиналар сифатли қилиб тайёрланмоқда. Уларнинг асосий қисмини мазкур бригаданинг аҳил ишчилари бажармоқдалар.

Д. ОБЛАЕВ.

УЙ СОҲИБЛАРИ МАМНУН

● «7-ҚУРИЛИҚ» турар-жой массиви аҳолиси қисқа фурсатда 396 оилага кўпайди. Бу 1-уйсозлик комбинатининг 2-монтаж бошқармаси ва мазкур комбинатнинг 3-пардозлаш ишлари бошқармаси коллективларининг ғайрати ва шижоати туфайлидир.

Коллектив қисқа фурсатда 4 та 72 ва битта 108 квартирали турар жой биноларини фойдаланишга топширди. Ойнаванд лоджиялардан иборат, катта оилаларга мўлжаллаган бу бинолар хонадон соҳибларига манзур бўлди: бинонинг ташқи пардозлари заводнинг ўзидаёқ гулли панеллардан тайёрланган.

ФОЙДАЛАНИШГА ТАХТ

●ТОШКЕНТ қуёшдан муҳофаза қурилмалари заводида янги цех фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бу цех пластмасса буюмлар тайёрлашга ихтисослашган.

Ҳозир италиялик мутахассислар ўз ускуналарини ўрнатиш билан машғул.

Шунингдек, завод коллективи халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда бу ерда болалар учун иккита ўйинчоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Булар батареяли ва сув отадиган тўппончалардир. Шу билан бир қаторда ошхона термалари, дон маҳсулотлари учун пластмасса буюмлар тайёрланмоқда. Коллектив август ойи топшириқларини муддатидан олдин бажариб, планга қўшимча 16 минг сўмлик истеъмол буюмлар тайёрлашга эришди.

Д. МУРОДОВ.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМПЛЕКСИ

● КУН-ГАЛАНТЕРЕЯ ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида инсон омилига алоҳида аҳамият берилиб, қатор қулайликлар яратилмоқда. Корхонада 4 қаватли маиший хизмат комплекси қурилиши бошланди. Бу комплекс ишчи ва хизматчиларга 25 хил хизмат турини амалга оширади. Бунёдкорлик ишлари учун 300 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Қурилиш ишларини «Ташводстрой» трести коллективи олиб бормоқда.

ПХЕНЬЯНДАН КЕЛГАН САНЪАТКОРЛАР

● ПХЕНЬЯН бадиий ансамбли ижодида анъаналар замонавийлик билан уйғунлашиб кетган. КХДРдан келган ана шу коллектив гастроллари авиасозларнинг Тошкентдаги маданият ва техника саройидаги концерт билан бошланди. Артистлар программасига қадимий халқ қўшиқлари ва рақслари, шунингдек, замонавий композиторлар ҳамда хореографларнинг асарлари киритилган. Вокал ва хореографик миниатюраларнинг кўпи ёшлар ва студентларнинг яқинда Пхеньянда бўлган Жаҳон фестивали программасини безаган эди. Фестиваль тугаганидан сўнг ўтган қисқа даврда труппа Ўзбекистондаги гастроллари учун махсус янги номерлар тайёрлади.

«ОЧИҚЧАСИГА АЙТГАНДА...»

● МОСКВАДАГИ «Бадиий адабиёт» нашриётида мамлакатимиз ёзувчиларининг миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги материаллари асосида «Очиқчасига айтганда. . .» мажмуаси чоп этилди. Мазкур тўпламдан қирғиз адиби, Ленин мукофоти лауреати Ч. Айтматовнинг, грузин О. Чиладзе, арман С. Капутикян, қозоқ О. Сулаймонов ва бошқа адибларнинг ана шу мавзудаги чиқишлари ўрин олган. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Темур Пўлатовнинг ана шу мавзудаги материаллари ҳам тўпламга киритилган.

ДАСТЛАБКИ ЎҚУВЧИЛАР

● ТОШКЕНТДАГИ 110- мактабда янги ўқув йилидан бошлаб адабиёт синфи дастлабки ўқувчиларни қабул қилади. Адабиёт билан пухта шуғулланиш учун тўрт соат қўшимча вақт ажратилди. Программада жаҳон тарихини кенг ўрганиш ҳам назарда тутилади. Ўқувчилар санъат тарихи билан илк бор таниша бошлайдилар.

Гуманитар синф очилиши тўғрисида эълон қилиниши биланоқ кириш суҳбатларига Тошкентдаги кўпгина мактабларнинг ўқувчилари келишди. Лекин энг яхши ўқувчилардан атиги 30 нафарига шу синф парталарига ўтиришади. Тошкент Давлат университетининг тажрибали муаллимлари махсус ишлаб чиқилган программа асосида машғулотлар олиб боришади.

ИШЧИЛАР УЧУН

● ЭКСКАВАТОР ремонти заводи қошида ишчилар учун 140 ўринли ошхона очилди. Янги ошхонани завод қурувчилари бунёд этишди. Овқатланиш зали кичик архитектура шаклари билан безатилган. Бу ерда рус ва ўзбек таомлари тайёрланади, улар мамлакатимизда ва чет элда чиқарилган аппаратлар ёрдамида пиширилади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: умумий овқатланиш залининг кўриниши.

Муаллиф суратлари.

Маорифчилар анжумани

Кеча пойтахтимиздаги барча районларда анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтди. Тошкент Давлат университетининг маданият сароймга йиғилган Собир Раҳимов район маорифчилари халқ маорифи ходимлари олдида турган муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, кенгаш арафасида районда «Халқ маорифи куни» ташкил этилди. Район партия ва ижроия комитетларининг вакиллари, базавий корхоналар раҳбарлари мактаблар, шунингдек, бошқа болалар муассасаларида бўлишиб, жойлардаги муаммоларни ўрганиб чиқишди. Шундан сўнг район партия комитетида ўтказилган давра столида ана шу масалалар муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Кенгашда район халқ маорифи бўлимининг мудири М. Одилова маорифчилар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида қисқача нутқ сўзлади.

Кейинги пайтда педагогик коллективлар фаолиятининг жамоатчилик кўриги кенг йўлга қўйилди. Ота-оналар ва совет аъзолари мактабларда бўлиб, ўқитувчилар ва раҳбарларнинг иш юритиши билан яқиндан танишмоқдалар. Айниқса райондаги 15, 16, 29, 133, 191, 233, 242-мактабларда советлар фаоллик кўрсатмоқда. Кўпгина билим даргоҳларида педагоглар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилди. Масалан, 191-мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтган ўткир зеҳнлилар мушоираси барчада катта таассурот қолдирди. 16, 249, 242-мактабларда эса ҳамкорликда агитбригада ва концертлар конкурслари ташкил этиляпти. Таълим-тарбия форма ва методлари тобора такомиллашиб бормоқда.

— Эълон қилинган тезис ва нутқ юзасидан ўз фикрларингизни билдиришингизни сўрайман, — деди анжуманни бошқараётган район партия комитетининг секретари Н. Иброҳимова. — Сизларнинг қимматли истак ва мулоҳазаларингиз қайд этилиб, шу жойнинг ўзида уларни бажарувчи мутасадди ташкилот ҳамда корхоналар белгиланади. Шундан сўнг барча масалалар умумлаштирилиб, район ижроия комитети Советига ҳавола этилади.

Музокаралар бошланиб кетди.

— Анжуман замон руҳида, эркин, шу билан бирга Тиллар ҳақидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётган бир пайтда ўтаётгани диққатга сазовордир, — деди 191-мактаб ўқитувчиси, район Советининг депутати С. Динавицер. — Мен рус мактабларида ўзбек тили ўқитишни қайта қуриш ҳақида гапирмоқчиман. Дарсликлар, методик қўлланмалар, қолаверса кадрларимиз замон талабига жавоб бермайди. Биргина мисол: ўзимизда ва марказий нашриётларда чоп этилган дарсликларни солиштириб кўрсангиз улар сифат жиҳатидан жуда катта фарқ қилади. Ўзбек тили ўқитилишини яхшилаш учун , аввало, ана шунга эътибор бериш зарур.

— Билим даргоҳимизда СССР Фанлар академияси томонидан «Инсон, фан ва жамият» деб номланган мавзуда социал тадқиқотлар олиб бориляпти, — деди 45-кечки ишчи-ёшлар мактабининг директори Т. Пўлатов. — Шу мақсадда катталар таълими маркази очилган. Унинг асосий вазифаси кадрлар танқис регионларга мутахассислар етказиб беришдан иборат. Бизда таълим олаётган 478 талабага тажриба тарзида касб-ҳунар ўргатилмоқда.

— Кенгаш аввалгиларига нисбатан жонли ўтаётганидан мамнунман, — деди 28-мактаб ўқитувчиси М. Воҳидова. — Мен шундай аёмда кўп болали оилалар билан алоқани кучайтириш ҳақида тўхталмоқчиман. Ота-оналарга педагогика ва психология билимлари сингдирилиб борилмас экан тарбияда яхши натижаларга эришиб бўлмайди.

Танаффус пайтида педагоглар тўп-тўп бўлишиб, қизғин мунозара юритишарди. Даврадаларнинг бирига яқинлашамиз.

— Мен Тошкент маданий оқартув техникумида ўқитувчи бўлиб ишлайман, — деди ўзини Абдураҳим Исматуллаев деб таништирган ўрта ёшлардаги киши. — Муаммолар ҳақидаги тезиснинг мактабларга олдиндан тарқатилиши айни муддао бўлган. Кўпчилик кенгашга пухта тайёрланиб келганлиги яққол сезилиб турибди.

— Сизга сўз беришганда нималар ҳақида гапирган бўлардингиз?

— Техникумда 250 ўқитувчи меҳнат қилади. Улар бадиий ҳаваскорлик ансамбли, духовой оркестр, театр коллективлари учун оммавий ташкилотчилар тайёрлашяпти. Аммо кадрларимиз жойларга боришганда кўпинча иш тополмай, қийналиб қолишяпти. Айниқса кутубхоначиларнинг маоши камлигини айтиб ўтиш зарур. Уларга эътиборни кучайтириш керак. Мен ана шулар ҳақида мулоҳаза билдирган бўлардим.

Музокара пайтида шунингдек, районда пионерлар Уйи қурилиши чўзилаётганлиги ҳақида пионерлар Уйининг директори Ю. Эргашева, битирувчи синф ўқувчиларини олий ўқув юртларига қабул қилишда назорат ўрнатиш тўғрисида 165-мактаб ўқитувчиси Г. Ли, ҳамда долзарб масалалар юзасидан 239-болалар боғчаси мудири Т. Михайленко, район халқ маорифи бўлими методист-инспектори М. Азимова ва бошқалар гапирдилар.

Кенгаш ишида район партия комитетининг биринчи секретари Т. Аҳмедов, район ижроия комитетининг раиси Н. Раҳимбердиевлар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Анжуманда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ғуломов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими Ю. Лемжин қатнашдилар.

С. ШОДИЕВ.

СУРАТДА: кенгаш қатнашчиларидан бир группаси.

Х. Мирзакаримов сурати.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўз касбига меҳр қўйган пешқадамлар сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Илғорлар қаторидан ўрин олган, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганлар ичида М. Шомансурова ва Х. Қодирова каби ишчилар бор. Улар кунлик топшириқларини ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: М. Шомансурова ва Х. Қодировалар.

Т. Каримов сурати.

Байроқдорлар ҳузурида

Самолётсозлар парвози

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 465-қароридан: «...Комсомол-ёшлар бригадалари, бригада, участка коллективлари, асосий касб эгалари, инженер-техник ходимлар ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунларига кўра 20-цехнинг Зокир Алангов етакчилик қилаётган ишлаб чиқариш группаси ғолибликкка эришди. Ғолиб бригадага фахрий вимпел, мастерларга 100 сўмгача, бригадирларга 70 сўм, ишчиларга 50 сўмгача пул мукофоти ажратилсин...».

Иш ҳақи фонди 97 фоиз фойдаланилган. Кадрлар қунимсизлиги йўқ».

20-цех бошлиғи Анатолий Николаевич Шохин мастер ҳақида илиқ сўзларни айтди.

— Мастер ҳақидаги фикрим жуда яхши. Иккинчи институтни тугатаётгани фойдадан ҳоли эмас. З. Алангов ниҳоятда масъулиятли одам, унга бригадир Абдуллаев энг яқин кўмакчи, ишчиларга шароит яратиб берилса, ҳар қанча иш улардан қочиб қутулмайди. Лекин тан олиш керак; бу ерда ажойиб меҳнат шароити яратганмиз деб айтолмаймиз. Цехлар қишда анчагина совуқ бўлади. Ҳозир бу ерга қўш ромлар ўрнатишга ваъда беришди. Аммо амалий ишга қачон киришилишини ҳеч ким билмайди.

Лекин барибир бригададагилар ўз ишини яхши тушунишади. Умуман З. Алангов группасига бирор иш топширилганидан кейин унинг бажарилиш муддатларини қатъий назорат қилиб боришнинг ҳожати йўқ. Группа етакчилари қоғозбозлиқ ёки кабинет системаси билан шуғулланишмайди, ҳақиқий иш билан, таъминот масалалари билан шуғулландилар.

— Гапингизга қараганда бригадада ҳеч қандай муаммо йўқ эканда?

— Э, йўқ! Муаммосиз коллективнинг ўзи йўқ. 30-цех бизга енгил яшашга имконият бермайди. Симларнинг икки-уч турини улардан олиб, З. Алангов группасига топширган эдик. Группа эса ишни яхши уддалаб кетди. Иш шароитлари ҳар икки коллективда ҳам бир хил. Алангов группаси аъзоларининг кўпи дам олишда, станоклари эски. Лекин шунга қарамай натижа ёмон эмас.

З. Алангов ўз ишини слесарликдан бошлаганда унга Патхулла Файзуллаевич Абдуллаев мураббийлик қилганди. Бу киши корхонада 23 йил меҳнат қилиб келяпти. Меҳнат фаолиятининг сўнгги етти йилида эса бригадирлик қилган. Унинг назарида ишдаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланяпти. Янги корпус, янги бино ажратилди, техник қайта жиҳозлашга эришилди. Унинг ойлик маоши 250—300 сўмни ташкил қиляпти. Умуман бригададагиларнинг ўртача иш ҳақи эса 200—250 сўм.

Агар З. Алангов билан суҳбатлашсангиз, унинг нутқида «Ҳал қилинадиган масала» сўзларини кўп ишлатишини сезасиз. Лекин менинг бригадирга қилган мурожаатимда ҳал қилинмайдиган масалани суриштирдим, шекилли. Мен унга «Айтингчи, ҳудди ҳозиргидай иш вақтида бугунгидан кўпроқ маош олишингиз мумкинми?» дедим. У ўзига ишонч билан «Albatta» деб жавоб берди. «Бўлмаса нега ишламаяпсизлар?». Бригадир чуқур ўйга толиб қолди. Балки у ишга халал бераётган муаммолару, янада яхши ишлаш учун қандай тадбирларни бажариш зарурлиги ҳақида ўй сураётгандир.

Лекин мастер ҳам, бригадир ҳам коллектив аъзолари ҳақида савол берганимда жуда кўп нарсани айтиб беришди. Улар ишчиларнинг ажойиб хислатлари ҳақида гапиришди.

Мана, Евгений Иванович Қушмарни олайлик. Ҳозир пружиначи бўлиб ишлаяпти. Илгари тажрибали авиатехник бўлиб ишлаган. Ёшларнинг мураббийси. Унга ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай масала билан мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳозир у пенсияда. Лекин шунга қарамай у коллектив негизини ташкил этадиган ишчилардан.

Федор Иванович Тяпкин — мураббий, тажрибали ишчи. Қўлидан келганича бошқаларга ёрдамлашади.

Фарида Сагатуллиевна Давутова заргарлик ишларини бажаради. Унинг зиммасига ниҳоятда масъулиятли жараёнлар юкланган. Шомурод Эшбўриевич Расулов моҳир пружиначи, байналминалчи-жангчи бугун механика факультетининг талабаси. Дамир Ҳожиаҳмедов ҳам илғорлардан Бригадага яқинда унинг акаси Рауф қайтиб келди. Нимага айнан шу бригадага қайтаётганини сўраганимда у: «Коллективнинг аҳиллиги учун», — деб жавоб берди. 240—250 сўмдан маош олади. Яқинда уйланмоқчи. Унга ёқадиган қиз ҳам айнан шу цехда ишлайди. Биз унга улкан бахт тилар эканмиз, иши ҳақида яна бир бор тўхталдик.

— Ишингиздаги бир хиллик сизни зериктириб қўймайдими?

— Бир хиллик? Менинг ишим бир хил эмас. Аксинча, бугун бир, эртага бошқа жараёнларни бажараман.

— Ҳамма ишни қўлда бажариш қийин эмасми? Балки дастгоҳда ишлаш қизиқарлироқдир?

Рауф бу фикримга ҳам қўшилмади.

Ҳар бир ишни ўз қўлинг билан бажарганинг яхши, дастгоҳда ишлашнинг нима қизиғи бор, фақат қандай айланаётганини кузатиш учунми? Ҳамсуҳбатим яқинда малакасини ошириб, учинчи разряд олиш арафасида. «У бунга муносиб ишчи», деб таърифлайди бригадир.

Умуман бригаданинг ҳар бир аъзоси мақтовга сазовор деб ҳисоблашади Алангов билан Абдуллаев. Коллективда ўзаро ёрдам, аҳиллик биринчи ўринда туради. Ҳар бир ишчи ўзининг кунлик планини, вазифасини, ишлаётган ҳақини яхши билади. Балки меҳнат интизомининг қатъийлигига ҳам уларнинг юксак онглилиги ва катта масъулияти туфайли эришилаётгандир.

Б. НАСИМОВ,

«Ударник» кўп нусхали газетасининг ходими.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

Олдинда бўлиш масъулияти

Ўн ойдан бери шогирдлик муддатини ўтаётган ишчи йигит охири ишлаб чиқариш бошлиғига мурожаат қилди. Шунча йиллардан буён корхонада ишлаб, илк маротаба бундай воқеанинг гувоҳи бўлаётган Сулаймон Иброҳимович ҳайратда қолган эди. Янги келган ишчи ўн ой давомида шогирдлик муддатини ўтаётган бўлса-ю, уни мустақил ишга ўтишини ҳеч ким ўйламаса, наҳотки ҳеч ким бундан бехабар?!. Смена мастери, цех бошлиғи-чи? Сулаймонов йигит билан цех бошлиғининг ҳузурига йўл олишди. Воқеани бамайлихотиргина эшитган цех бошлиғи «Биздан англашилмовчилик ўтибди, тўғрилаймиз!, — деб қутула қолди.

...1984 йилда ишга тушган оқартиш-мерсеризациялаш корпуси Тошкент тўқимачилик комбинати учун катта иқтисодий самара бериши кўзланган эди. Аммо кўзланган натижа кутилганидек бўлмади. Аввало тартибсизлик, ишнинг бошини қовуштиролмаслик кўрсаткичлар кўтарилишига халал берди. Ачинарлиси, бу янги корпусда ишловчиларнинг аксариятини кўчада пропискасиз, ишсиз юрган кишилар ташкил қилган эди. Қолган яна бир қисми фақат ўқиш илинжида жойлашишга мажбур бўлган ёшлардан иборат бўлиб қолди. Ўзида на бир жавобгарлик, на масъулият ҳисси бўлган кишининг машинада туриб сифатли маҳсулот бериши ҳам даргумон эди. Орадан ойлар, йиллар ўтяпти, лекин сира натижа йўқ. Корхона раҳбарлари чора излаб корпусга ишнинг кўзини биладиган, ҳар томонлама етук, тажрибали мутахассисни раҳбар этиб тайинлашга қарор қилишди. (Шу пайтгача уларнинг бир неча ўрни ўзгарган эди). Комбинатда шундай кишилар қаторида 2-йигирув фабрикасининг цех бошлиғи Сулаймон Иброҳимович Сулаймонов танланди. Ҳалол ва принципиал, меҳнаткаш ва камтарин инсон Сулаймон Иброҳимовичгина бу ишга бош бўла олиши мумкиндай эди. Муҳими, ундаги ўзига ва ўзгаларга бўлган қатъий талабчанлик принципи бундан аён бериб турарди. Айни пайтда 19 йиллик фаолиятини йигирувчилик касбига бағишлаган, жонажон коллективида 10 йил раҳбар бўлиб ишлаган фидойи коммунист учун қадрдон жойини ташлаб кетиш ҳам оғир эди. Унга ишониб топширилаётган участка, дарҳақиқат масъулиятли бўлиб, қунимсизлик юксалиб бораётганлиги туфайли ҳам планлар ўлда-жўлда қолиб келар эди. Кадрларга эътибор масаласи эса юқорида айтилганидек эди. Демак, бу ерда ишчиларни ишга тўғри йўналтира олмаётган, ишни ташкил қила билмаётган раҳбарлар асосан айбдор. Яъни корпусда мавжуд оқартириш ва мерсеризациялаш цехларининг смена мастерлари шу томонларга эътиборни қаратди. Бригадир ва мастерларга нисбатан талабчанликни кескин оширди. Ишчилар билан яккама-якка суҳбатлаша борди. Нима арзҳоли бор, ишга нималар халал беряпти? Синчковлик билан ўрганиб боришга эринмади. Уларнинг ойлик маошлари қандай тақсимланяпти, бригада совети иш коэффициентини белгилашда норозиликларга йўл қўйилмаяптими? (Афсуски, шундай ҳоллар кўплаб меҳнат коллективларида учраб турибди). Хуллас, ҳаммасини назоратдан четда қолдирмасликка ҳаракат қилди. Вақт эса секин-аста натижа бера бошлади. Гарчи топшириқлар кўрсаткичи у даражада ошиб кетмаган бўлсада, тартиб ва меҳнат интизоми секин-аста ўрин топа борди. Ўтган йили шу пайтгача планни бажарён кунликда корпусга 2 миллион 300 минг метр ярим фабрикат етказиб берилмади. Аммо бор пайтда ундан тўлароқ фойдаланиш, сустликка йўл қўймасликкина иш унумдорлигининг ошишига замин бўла олади.

— Ишни даставвал одамлар дардини тинглашдан бошладик, — дейди С. Сулаймонов. — Уларнинг қизиқишлари, бундан кейин қандай ишлашлари билан танишилик ҳаракат қилдик. Иш шароити, баҳоли қудрат оиладаги туриш-турмушлари билан қизиқдик. Хуллас, уларнинг ҳар бири билан доимий мулоқотда бўлиб боряпмиз.

Улар ўз фикрларини билдиришяпти, келиб саволлар билан мурожаат қилишяпти. Ишчи студентлар қатор талабларни қўйяпти. Тўғри, уларнинг ҳақли талабларини ўз вақтида бартараф этиш биз раҳбар коммунистларнинг вазифаси. Лекин афсуски, улар ўша талабни бир-бирларига бериб кўрмасликлари жуда ачинарли ҳол, деб ўйлайман. Ёнидаги машинада ишлаётган киши истаган вақтида машинани тўхтатиб кетавериши мумкин, аммо унинг бу томонида уни кўриб турган одам индамайди. Уларнинг фикрича фақат бошлиқ шуғулланиши керак экан. Ёки қўшниси брак чиқараётганини кўриб турса ҳам индамаслиги мумкин. Қисқаси, ишчи ишчидан талаб қила билмайди. Ваҳоланки ана шундагина амалдаги ҳамжиҳат коллектив барқарор топиши мумкин. Айтайлик, бригадада бирор ишчи бўшаб кетяпти. Ҳеч ким у билан қизиқиб кўрмайди. Нима учун кетяпти, иш оғирлик қилдими ё коллективда бирортаси ранжитдими?! Йўқ. Коллектив ўз ишчиси учун курашсагина ишда самара бўлади. Яна такрор афсуслананманки, оқартириш ва мерсеризациялаш корпусида ҳозирча бунга эришилгани йўқ.

Ниҳоят, суҳбатимиз сўнгида Сулаймон Иброҳимовичдан коммунистга хос қандай фазилатларни қадрлашини билмоқчи бўлдик.

— Масъулиятни, жавобгарликни ҳис этиш, ижрочилик ва ташкилотчилик фазилатларини улуғлайман. Айниқса, инсон у ким бўлишидан қатъий назар, талабчан бўла олиши зарур. Тўғри, ҳозир ўзгалар олдига талаб қўйишни барчамиз биламиз, аммо киши ўзига нисбатан талабчанроқ бўлса, иш бошқача тус олади. Бу энди қийинроқ ҳам!

Феруза ҲУСАНОВА.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйлаб

● МАРҒИЛОН (Фарғона области) КамАЗ машиналари двигателларини ремонт қиладиган Фарғона областидаги биринчи цех фойдаланишга топширилгунга қадар иш бошлади. Бу ерда қозирнинг ўзидаёқ 250 та мотор ремонтдан чиқарилди. Цехни Марғилон трактор-ремонт заводи коллективи қурмоқда. Корхона келгуси йилда тўла қувват билан ишлайди ва ўшанда фарғоналик автомобилчилар КамАЗ машиналари моторини ремонт қилиш учун Тошкентга, Олмаотага ёки Набережние Челнига боришларига зарурат қолмайди.

●ФРУНЗЕ. Евангелий христианлари черковининг Фрунзеда бўлиб ўтган концерти чинакам меҳр-мурувват ҳаракати бўлди. Кеча программасига классик опералардан ариялар, диний қўшиқлар киритилди. Черков ходимлари тўпланган маблағни Қирғизистон ССР меҳр-мурувват ва саломатлик фондига ўтказдилар. Мазкур жамоат ташкилоти тузилганига бир йилча бўлди. Аммо қозирдаёқ унинг ҳисобига анча маблағ тушди. Қирғизистоннинг бошқа бир қанча корхоналари, хўжаликлари ўзларининг хайрия счетларига ўтказдилар. Мусулмонлар, баптистлар ва бошқа динларнинг вакиллари ҳам олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

●ДУШАНБЕ. «Звездний экспресс» халқаро шоу-группаси Тожикистонда ўз гастролларини хайрия концерти билан бошладилар. Группа биринчи концертдан тушган бутун маблағни тожик тилини ривожлантириш фондига ўтказади. Интернационал коллектив орасида СССР, Чехословакия ва Польшадан Душанбега биринчи марта келган оммабоп музыка «юлдузлари» бор. Республикадаги бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ҳам тез орада ўзига хос қўшиқ-рақс томошаларини кўрадилар.

● ОРЖОНИКИДЗЕОБОД. (Тожикистон ССР). Тожикистонининг энг катта агросаноат райони — Оржоникидзеободда Белорус полесьеси қадимий оҳанглари янгради. Могилев области фольклор-этнографик ансамбли артистлари жонажон ўлка қўшиқлари ва рақсларини бу ерга олиб келишди. Улар дўстлар ҳузурига жавоб ташрифи буюришган. Яқинда тоғли республикада машҳур бўлган маҳаллий маданият уйи фольклор группаси Белоруссия қишлоқлари бўйлаб икки ҳафта сафар қилганди. Бир-бирларининг музыка ижоди билан танишиш икки қардош республика маданий ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномада кўзда тутилган.

● ШАЙДОН. (Ленинобод области). Тожикистонининг қадимий Шайдон қишлоғи аҳолиси ўз юртдоши, республика халқ артисти Маҳмуд Воҳидов хотирасига ҳурмат бажо этиб, уни доимо ёдида тутиб келади. Ҳаётдан барвақт кўз юмган саҳна устаси туғилган кунининг 50 йиллигида унинг уй-музейи очилди. Музейга кираверишда артистининг гранитдан ясалган ҳайкали ўрнатилган. Экспонатлар орасида саҳна устасини турли қаҳрамонлар қиёфасида гавдалантирган кўпдан-кўп фотосуратлар, шахсий буюмлар бор.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

Байналмилалчилик: уни қандай сақлаш керак?

Гвардия сержанти А. Юнусовнинг ҳарбий бўлинмаси қисмдаги энг яхши бўлинмаларнинг биридир. Кичик командирнинг илтимосига биноан бўлинма Ўзбекистондан чақирилган жангчилардан ташкил этилган. Ракетачилар ягона оила бўлиб, иноқ яшамоқдалар, ўз жанговар хизматларини аъло даражада ўтмоқдалар.

Биз армия жамиятимизнинг бир қисми эканлигини ва унинг ҳам ўзига хос муаммолари борлигини биламиз. Афсуски, кейинги йилларда миллий масала ташвиш туғдирмоқда. Офицерлар юртдошлик деб аталган уюшмалар тўғрисида салбий фикр юритмоқдалар. Ваҳоланки, илғари ҳарбий қисмларда бундай уюшмаларга ижобий ҳодиса сифатида қараларди. Янги келган йигитлар кўпроқ хизмат қилган юртдошлари ёрдамида армияга тезроқ кўникишар, хизматларини ҳам енгилроқ ўташарди. Энди эса аҳвол ўзгарди, анча оғирлашди. «Юртдошлар» уюшмаларидан бири ўзидан кучсизроқ ва аъзолари кам бўлган бошқа уюшмаларни тобе этишга интилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, миллий тусдаги ўзига хос «қариялар» пайдо бўлмоқда. Бундан келиб чиқадиган оқибатлар ҳам маълум.

Бўлинмаларда миллий масалани ҳал этишда тўпланган ижобий тажрибани умумлаштириш ва кенг тарқатиш вазифаси катта аҳамият касб этаётганлиги кўриниб турибди. Ана шу тажрибадан ижодий фойдаланган ҳолда можароли ҳолатлардан ҳоли бўлиш мумкин. Масалан, капитан С. Бедрик командирлик қилаётган радиотехника бўлинмасида ноёб фонотека тўпланган. Унда жангчиларнинг ота-оналари юборган овозли мактублар, халқ музикаси ёзилган магнит пленкалари бор. Бўлинмада солдатларнинг илтимосларига мувофиқ муттасил равишда концертлар уюштирилади: рус, украин, грузин, тожик ва бошқа тилларда қўшиқлар янграйди. Жангчилар бу қўшиқларни одатда биргаликда тинглайдилар. Ижро этилаётган асар кимга аталган бўлса, ўша таржимонлик қилади, қўшиқнинг мазмунини тушунтириб беради. Офицер Бедрик дўстлик муҳитини сақлаб туриш коллективда мустаҳкам интизом кафолати эканлигини яхши ҳис қилади.

Катта лейтенант Н. Кириллов сиёсий ходим бўлган бўлинмада ҳам миллий низоларга ўрин йўқ. Сўнгги вақтларда жуда қизиқарли олиб борилаётган сиёсий ахборотлар жангчиларга ёқиб қолди — офицернинг тавсияси билан солдатлар бундай суҳбат ўтказиш усулларини ўзгартиришди. Энди улар жонажон Ватанимиз бўйлаб ўзига хос саёҳат қилишади. Саёҳат давомида бўлинмада хизмат қилаётган турли миллат вакиллари ўз республикаларидаги янгиликлардан сўзлаб беришади. Чунончи, жангчилар Болтиқбўйи республикаларида рўй бераётган воқеалар тўғрисида ана шу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган жангчи дўстларидан эшитдилар: яқинда ватанига дам олиш учун борган катта сержант В. Грибаускас шулар тўғрисида гапирди.

Бошқа бўлинмаларда ҳам шу маънода сабоқ бўлса арзийдиган кўплаб мисолларни топишимиз мумкинлигига ишончимиз комил. Илғор командирлар тажрибасини умумлаштириш ва жангчиларни байналминал руҳда тарбиялаш мақсадида уни умумий мулкка айлантиришимиз керак. Миллатчилик кўринишлари армиямизда ҳам озми-кўпми тарқалишига йўл қўйиб бўлмайди.

Н. СЕМЕНЧЕНКО,
А. ЧУМАКОВ,
ТАСС мухбирлари.

Ленин орденли Ленинград ҳарбий округи.

Ҳиндистон: воқеалар, фактлар

Иш қидириб

Ёз ойларида Ҳиндистон газеталарида чет эл коллежларини ва университетларининг эълонлари пайдо бўлади. Уларда АҚШ, Австралия, Канада, Англияда ўқишни давом эттириш учун истеъдодли ёшлар таклиф этилади. Реклама эълон қилган ўқув юртларининг вакиллари океан ортидан келувчи ёшларга бепул семинарлар, консультациялар уюштирадилар ва улардан иқтидорли ёшларни танлаб оладилар.

Чет эллик ёлловчилар Ҳиндистон олий ўқув юртларини тамомлаган ёшларни ҳам диққат билан кўздан кечирадилар. Энг истиқболли ёшларга Америка, Европа, Австралияда илмий ишлар олиб бориш учун яхши имкониятларни таклиф этадилар. Улар Ҳиндистоннинг ўзида олий маълумот олган ва илмий соҳада катта муваффақиятларга эришган мутахассисларни ҳам эътибордан четда қолдирмайдилар.

Ҳиндистондан ташқарида ўқиган ёшлардан фақат ёлловчиларнинг умидини оқламаган ёки бегона жамиятга кўникиб олмаганларигина мамлакатга қайтиб келади. Энг бой маънавий потенциалга эга бўлган мамлакатлардан бири ўзининг истеъдодли кишиларини ана шундай тарзда бой бермоқда.

Бундан Ҳиндистон манфаатларига етказилаётган зарарни гарчи ҳеч ким ҳисоблаб кўрмаган бўлсада, у жуда каттадир. Кейинги ўн йиллар давомида фақат олий маълумотли мутахассислардан 200 мингдан ортиқ киши мамлакатдан кетиб қолди. Ҳар йили Ҳиндистондаги энг нуфузли техника олий ўқув юрти — Ҳиндистон технология институтини тамомлаган ёшларнинг учдан бир қисми бир мунча нафли иш қидириб мамлакатдан жўнаб кетади. Институтнинг кўпгина шаҳарларда филиаллари бор.

Натижада Ҳиндистон ўзининг истеъдодли мутахассисларини қўлдан бой берганки, у қарийб исталган саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш чоғида четдан олинадиган технологияга деярли тўла-тўкис таянишга мажбур бўлиб қолган. Ҳар йили Ҳиндистон компаниялари илмий-техника ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги доирасида чет эл технологиясидан фойдаланиш тўғрисида ҳорижий компаниялар билан тахминан 800 та битим тузади.

Илмий ва саноат тадқиқотлари департаменти ўтказган таҳлил мамлакат саноат маҳсулотининг атиги 4,5 фоизи ҳиндларнинг ўзлари ишлаб чиққан технология асосида, 40 фоизи фақатгина чет эл технологияси асосида ва 55 фоизи ҳиндлар ўзгартирган эски чет эл технологияси асосида ишлаб чиқарилаётганлигини кўрсатди.

Икки мамлакат ўртасидаги можаро

Яқинда Исломободда ўз ишини тамомлаган Ғарбий Қорақорумдаги Сиачин музлиги районида иккала мамлакат ўртасида можаронинг ҳали ўчмаган манбаини тугатиш тўғрисида Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги музокараларнинг иккинчи давраси кутилган натижаларни бермади. Ундан ташқари, деб ёзади Деҳли газеталари, Сиачиндаги қўшинларни ўзаро олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузиш имконияти янада узоқлашди.

Шу ҳафта бошида Бош министр Беназир Бхутто хоним Сиачиндаги Покистон қўшинлари ҳузурида бўлгандан кейин бу нарса айниқса намоён бўлди. У қўшинлар яна бир қишни шу ерда ўтказишларига тўғри келишини, чунки «Жанг ҳаракатлари мавсуми муқаррар» эканлигини айтди.

«Ҳиндустан таймс» газетаси Покистон Бош министрининг бундай баёнотини мазкур районда куч ишлатишдан тийилиш тўғрисида июнь ойида иккала мамлакат эришган аҳдлашувга зиддир, деб баҳолайди.

Газета музлик районидаги барча стратегик тепаликлардан ҳинд қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида Покистон ўртага қўйган талаблар туфайли музокаралар боши берк кўчага кириб қолганлигини изоҳлайдилар. Покистонликлар ҳиндлар мазкур тепаликларни 1972 йилги Симла битими имзоланганидан кейин босиб олган, деб ҳисоблайдилар.

«Таймс оф Индиа» газетаси иккала мамлакат ўртасида тўла ишонча эришилмагунга қадар Сиачинга доир битимга эришиб бўлмайди, деб тахмин қилади.

14 минг киши кўчирилди

Деҳлида кечикиб бошланган муссон ёмғирлари ҳаммаёқни яшнатиб юборди ва яқин атрофдаги қишлоқ районлари аҳолисида яхши ҳосил олишга умид уйғотди. Бироқ бир неча кундан бери тўхтамаётган кучли ёмғир деҳлиликларга ва шаҳар маъмурларига ташвиш ва қийинчиликлар келтирди.

Ўтган ой ичида икки марта Андхра—Прадеш штатида кучли сув тошқини рўй берди. Годавари дарёси тошганлиги натижасида юз минг гектар шолипоя ва ғаллазорни сув босди. Темир йўл ва автомобиль магистралларида ҳаракат тўхтаб қолди. Ана шу районлардан 14 минг киши бошқа жойларга кўчирилди.

СУРАТДА: Мадрид. Коррида.

В. Мастюков сурати (ТАСС).

«САЛОМАТЛИК» КЛУБИ

Беморга фидойилар

Табобат тарихига назар ташласак, халқ учун ўз ҳаётини тикиб ўзида тажриба ўтказган, шу йўлда жон фидо этган шифокор-олимларни, ўз аъзои-танида дори-дармонларни биринчи бўлиб синаб даволаш учун тавсия этган шифокорларни кўз ўнгимизга келтирамиз. Буларнинг ҳаммаси тарихий жасоратдир. Ҳозирги замон шифокорлари ўз вазифаларини бажаришда покиза қалб, соф туйғу ва мислсиз жасорат кўрсатишлари, беморлар учун ўз вақтларини аямасдан моҳирона хизмат қилишлари, ҳар бир дардмандга ширин сўз билан ҳамдард бўлишлари керак.

Шифокорлик касби касал олдида ҳаяжонланмаслик, тушкунликка тушмаслик, ўзини йўқотмаслик, жасурлик ва матонат билан ўз вақтини аямасдан беморларнинг дардига малҳам бўлишларини талаб қилади. Биз биламизки, касалнинг оғир-енгили, беморнинг ёшу қариси бўлмайди ва шундай бўлиши керак. Бироқ, беморларга эътиборсизлик билан қараш, диагностикани — касаллик сабабини ўз вақтида аниқ қўймаслик, юзаки даволаш баъзи шифокорлар орасида ҳали ҳам учраб туради. Бу ҳол беморлар олдида шифокорларнинг обрў-эътиборининг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун шифокор қалби пок, иродаси кучли бўлиши билан бирга, беморларга жон-дили билан қараб, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиши, доимо кузатиб туриши керак. Бундай эътибор беморларнинг дардини енгиллаштиради ва тез тузалишларига ёрдам беради. Ширин сўз, хушмуомалада бўлиш билан бирга, бемор учун керак бўлган дори-дармонлар, лаборатория текширишлари, маслаҳатлар ўз вақтида амалга оширилса, беморларнинг ишончига ва обрўйига эга бўлинади. Айниқса, беморларни парвариш қилиш ва даволашда тиббиёт ҳамширалари шошма-шошарликка йўл қўймасдан, ҳар бир беморга ўз ота-онаси, синглиси, яқин кишиси сифатида қарашлари лозим.

Қайта қуриш жараёни тиббиёт оламида жуда сустлик билан олиб борилмоқда. Кўп жойларда кўзга кўринарли даражада бурилиш бўлгани йўқ. Шунинг учун ҳар бир шифокор, ҳар бир тиббиёт ҳамшираси кичик тиббиёт ходимлари, дори ва овқат тайёрлаш ходимлари ўз ишларини тубдан яхшилашлари керак.

Тўғри, биз ҳамма ишларимизни қониқарли даражада дея олмаймиз, камчиликлар ҳам учраб туради. Мен қандли диабет бўлимида ишлаганим учун баъзи камчиликларни айтиб ўтмоқчиман. Масалан, қандли диабет касалликлари учун махсус нонлар тайёрланган бўлса-да, кўпчилик жойларда бундай нонлар етишмайди. Бундан ташқари, қандли диабет билан касалланган беморлар учун махсус тайёрланган ширинлик маҳсулотлари: қанд, шоколад, лимонад ва шунга ўхшаш маҳсулотлар етарли даражада эмас. Кўпчилик жойларда диабет касалликлари учун озиқ-овқат ва ширинлик маҳсулотлари сотувчи магазинлар очилмаган. Бундан ташқари, қандли диабет касалликлари учун махсус санаторий ва дам олиш уйлари йўқ. Баъзида эса, бемор кишилар магазинларда узоқ навбат кутиб турадилар. Бу вақтда улар толиқадилар, асаб бузилиши, қонда қанд миқдори кўтарилиши мумкин. Менинг фикримча, қандли диабетли беморларга махсус гувоҳнома берилиб, ҳар бири керак бўлган жойда навбатсиз қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қайта қуриш жараёнида бизнинг эндокринология институтимизнинг диабетология бўлимида қуйидаги ишлар йўлга қўйилган.

Биринчи. Ногирон ва оғир касаллар учун алоҳида тиббиёт ҳамширалари ажратилган. Улар шифокор томонидан буюрилган муолажаларни бажариш билан бирга, парвариш ишларини ҳам олиб борадилар.

Иккинчи. Тунги қанд миқдорини аниқлаш учун махсус навбатчи лаборант ажратилган.

Учинчи. Беморлар учун овқат маҳсулотларига парҳезни ва овқат калориясини кўзда тутган ҳолда миллий ўзбек таомлари менюга киритилган.

Тўртинчи. Беморларни бўлимларга қабул қилишда навбатсиз, осойишта қабул қилинади ҳамда беморлар ўзи хоҳлаган врачларни танлаб олишлари мумкин.

Бемор анализлари, айниқса қон ва пешобдаги қанд миқдори беморлар парҳезни бузмасликлари учун очиқ айтилади. Бўлим шифокорлари, тиббиёт ҳамширалари беморларга ғамхўрлик, ширинсўз билан чин виждонан қарайдилар. Баъзи вақтда беморлар ўзига берилган ҳуқуқни суиистеъмол қиладилар. Булар — бўлар-бўлмасга бақириб, жанжал кўтаришлар, ҳатто туҳмат-шикоятлар билан тугайди. Мен ўйлайманки, ҳар бир масала бемор билан шифокорлар ўртасида ўйлаб, синчковлаб ўрганиб, адолат билан ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Табобат ютуқларидан шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда эндокриник касаллар учун эндокринология институти қошида диабет ва умумий эндокриник касалликлар бўлими, болалар эндокриник бўлимларининг очилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Институтда эндокриник касалликларнинг сабаблари, клиник белгилари ва улардан келиб чиқадиган асоратлар устида иш олиб борилмоқда.

Диабет касаллиги учун қонда қанд миқдорини камайтирувчи дори-дармонлар ҳақида фикр юритилмоқда. Шу билан бир қаторда, эндокриник касалликларни ўрганиш учун талантли ёш олимлар, шифокорлар жалб этилган. Яқин орада янги бино қуриб топширилади. Бу бинонинг қурилиши қайта қуриш жараёнига жавоб берадиган бўлади. Сабаби, бино ҳозирги давр талабига жавоб берадиган медицина асбоб-ускуналари билан таъминланади. Лабораторик текшириш усуллари ҳам давр талабига жавоб беради. Айниқса, оғир аҳволдаги беморлар учун шароит яратилади.

Булардан ташқари, кундузги даволаш бўлими очилади. Булардан кўриниб турибдики, тиббиёт ходимлари учун ҳам шароит яратилади. Биз ўйлаймизки, эндокринология институти клиникаси келажакда биргина Ўзбекистонга эмас, қўшни қардош республика халқларига, яъни эндокриник касалликларга чалинган барча беморларга ҳам хизмат қилади. Республикамиз пойтахти Тошкентда эндокринология институтининг ташкил этилиши, янги бинонинг қурилиши, унинг замонавий тиббий асбоб-жиҳозлар билан жиҳозланиши халқимиз саломатлигини сақлаш йўлидаги яна бир ғамхўрликнинг ифодасидир.

Носир ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Эндокринология институти клиникаси бўлимининг мудири, медицина фанлари номзоди.

Фарзанд саломатлиги — оила бойлиги ва қувончи. Шаҳримиздаги 4-болалар юқумли касалликлар шифохонасида фидокорона меҳнат қилаётган Ш. Алибекова, Т. Акрамова, А. Набиҳўжаев, Д. Ғиёсова каби шифокорлардан ота-оналар беҳад миннатдор бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: [юқорида, чапдан] касалхона бош врачи, олий категорияли шифокор Фанна Хисамутдинова, реанимация бўлими мўдири Акромхўжа Набиҳўжаев; [ўнгдаги суратда] тиббиёт ҳамшираси Дилфуза Ғиёсовалар замонавий аппаратлар ёрдамида бемор болаларни даволашмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов суратлари.

Турфа олам

БИРДАН-БИР ШАРТ

● ПАРИЖ. ТАСС мухбири Никита Ермаков хабар қилади: яқинда Нант шаҳрида топилган қўлёзмада ер юзидаги океанлар сатҳининг кўтарилиши, атроф-муҳитнинг саноат фаолияти билан булғатилиши хавфи, атмосферанинг исиши ана шу ҳамда ҳозирги пайтда инсоннят олдида пайдо бўлаётган кўпгина бошқа экология муаммолари тўғрисида гап боради. Қўлёзмани ёш Жюль Верга мансуб, деб ҳисобламоқдалар.

Бу ҳужжатнинг тақдири унинг мазмуни каби сир сақланмоқда. Маълум бўлишича, ёзнинг бошида Нант радиостудиясига бир киши келган, отини айтишни истамаган. У 1845 йил март — октябрь ойларида ёзилган кундалик дафтарни топширган, ана шу кундаликни 17 яшар Жюль Верн ёзган, деб ҳисоблашмоқда.

Табиийки, кундаликнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги масала кўтарилди. Нима, бу чиндан ҳам шовшувга сабаб бўладиган воқееми ёки боплаб алдашми? Франс Пресс агентлиги XIX аср тарихи бўйича мутахассисларнинг фикрини келтиради. Улар ёш ёзувчи кундаликка битган воқеаларни мутлақо реал деб ҳисобламоқдалар. Лекин кундаликни айни Жюль Верн ёзганига ҳеч ким кафолат бера олмаяпти.

Эндиликда «Радио-Франс Нант» давлат радиостанцияси топилган кундалик матни асосида радиоэшиттиришлар туркумини тайёрлади, у бир ойдан сўнг эфирга берилади. Сирли нотаниш киши қўлёзмани топшираётган пайтда ҳужжатни радио орқали ўқишни бирдан-бир шарт қилиб қўйган эди, деди радиостанция директори.

ИНТИЗОМСИЗ ҲАЙДОВЧИЛАР

● РИМ. ТАСС мухбири Александр Тараканов хабар қилади: «Мессажеро» газетасининг таъкидлашича, интизомсиз ҳайдовчилардан жарима ундириш Италияда катта фойда келтирадиган бизнес бўлиб қолди. Жанубдаги йўл ҳаракати қоидаларига деярли ҳеч риоя қилмайдиган кичик шаҳарларнинг маъмуриятлари вакиллари мамлакат йўлларида тартибни сақлашнинг энг талабчан посбонларига айландилар. Муниципалитетларнинг омилкор амалдорлари йўл ҳаракатига риоя қилинмаслигидан руҳландилар. Масалан, Фрозинона вилоятидаги Фонтана — Лири деган шаҳарчада тўрт соат ичида ҳайдовчилардан 25 миллион лир жарима ундирилди. Агар ана шу пулдан ижарага олинган радар қиймати юз минг лира чиқариб ташланса, шаҳар маъмурлари олган соф фойдани тасаввур қилиш мумкин.

Италиядаги бошқа районлар Фонтана-Лиридан намуна олишди, — деб таъкидлайди «Мессажеро» газетаси. 300 дан ортиқ коммуна ҳамда вилоят шаҳар хазинасини тўлдиришга имкон берадиган зарур жиҳозларни харид қилди. Шуни ҳам айтиш керакки, тунда фойдаланиш учун махсус қурилма билан жиҳозланган ва йўл ҳаракати қоидасини бузувчиларга кечаси ҳам, кундузи ҳам жарима солишга имкон берадиган аппаратларга талаб ошиб бормоқда.

Афсуски, статистика маълумотларининг кўрсатишича, тезликни оширганлик учун жарима солиб, шаҳар хазинасини бойитиш ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ишида ҳозирча ижобий натижа бергани йўқ. Ички ишлар министрлигининг маълумотларига қараганда, бу йил Италия йўлларида 4 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлди ва 110 минг киши жароҳат олди. Автомобиль фалокати сабаби асосан ҳаракат тезлигини оширишдир.

СЕКИН ЮРГАНЛИГИ УЧУН ЖАРИМА

● ЛОНДОН. Полиция Буюк Британия жанубидаги Понтиприт шаҳрида яшовчи Мирдин Томасга автомобиль йўлларида ҳаракат тезлиги қоидасини бузганлиги учун жарима солди. Агар Мирдин Томас қоидада белгилаб қўйилган тезликдан кам юрганлиги учун жазоланганлигини ҳисобга олмасак, бу воқеадан ажабланмаса ҳам бўлади.

Собиқ шахтёр кўчада энг камида соатига 50 километр тезликда юриш кераклиги ҳақидаги қонунга қарамай, 30 километр тезликда кетаётганлиги учун 50 фунт стерлинг жарима тўлади.

Мана чорак асрдан бери машина ҳайдайдиган Томаснинг йўл қоидасини бузиши бир қараганда унчалик аҳамиятсиздек туюлади. Гап шундаки, унинг орқасида уч километрлик йўлда автомобиллар карвони тизилиб қолди. Бу машиналар ҳам, юмшоқроқ қилиб айтганда, Томас кетаётган тезликда юришга мажбур бўлишган эди.

53 ёшли Томасни секин юрганлиги учун бундан аввал ҳам огоҳлантиришганди. У кўпинча соатига 10 километр тезликда юришини, чунки ана шу тезликда ўзини хавф-хатарсиз сезишини айтди.

Умримиз жуда тез ўтиб кетяпти, агар бошқа ҳайдовчилар ҳам менга эргашса яхшироқ бўлур эди, деди Мирдия Томас. Бундан кейин ҳам рулга ўтирганимда шошилиш ниятида эмасман, деб қўшиб қўйди у.

Донолар бисотидан

Кўп емаган дори ичмайди

Луқмони Ҳаким айтади:

— Кимки кўп ейишдан сақланса, кўп дори ичишдан озод бўлади.

* * *

Абу Али ибн Сино айтади:

— Бир қунда бир марта пухта овқат ейишни машқ қил, овқатинг ҳазм бўлмай туриб, устидан яна ема.

* * *

Олимлардан Фузайл айтади:

— Икки нарса кишининг қалбини қорайтиради: кўп ейиш ва кўп гапириш.

* * *

Ҳаким Хазифа айтади:

— Кимнинг ейиши оз бўлса, тани соғ бўлади, яъни оз еган одамдан саломатлик юз ўгирмайди. Кўп ейдиган киши касалликка кўп дучор бўлади. Бундан ташқари, овқатни кўп еган кишининг дил кўзи беркилади, тан мулки эса хароб бўлади.

* * *

Ҳаким Қаюм Носирий айтади:

— Киши қирқ кунгача доимий ҳолда фақат гўшт еса қалб кўзи беркилиб, фаросати камаяди. Қирқ кунгача гўшт истеъмол қилмаганда эса асаби бузилиб, ахлоқи ёмонлашади. Гўшт гўштни ўстиради, яъни одамни семиртиради, мойлар эса семиртириш хоссасига эга эмас, чунки гўштдан қон ҳосил бўлади, мойлар эса бу хислатдан узоқ. «Эт-этга, шўрва бетга» деган мақол бор. Бу мақолнинг маъноси шуки, гўшт ейилса, кишининг гўшти кўпаяди, шўрва ичганда эса, гўшт кўпаймай, юз қизаради.

(«Дўст боғнинг мевалари» китобидан).

СЎГАЛНИ ЙЎҚОТИШ МУМКИНМИ?

Баъзан терида сўгал бўлади, у саломатликка зиён қиладими? Умуман, сўгални йўқотишнинг йўллари борми?

Мавлуда НИШОНБОЕВА,
боғча тарбиячиси.

Одам терисида сепкил, учуқ, сўгал каби нуқсонли белгилар учраб туради. Баъзида кишилар терисида сўгал пайдо бўлади, бу умуман терида кўп учрайдиган косметик нуқсон ҳисобланади.

Одатда сўгаллар ҳар хил бўлиб, уларнинг оддий, ўткир учли ва ясси турлари учрайди. Терининг шох қаватида пайдо бўлиб, ҳажми турлича, нўхатдеклари ҳам бор.

Аҳён-аҳёнда улар бир-бирига қўшилиб кетади, қичишмайди, оғримайди, ушлаб кўрилса қаттиқ туюлади. Оддий сўгал шакли думалоқ ёки чўзинчоқ бўлади. У кўпинча қўлга, баъзан оёқ кафтига, кам ҳолларда юзга тошади.

Сўгални махсус вирус пайдо қилади, у юқумли ҳисобланади. Бемор билан яқин алоқада бўлганда, у ишлатган буюмлардан фойдаланганда ўтади. Сўгал пайдо бўлишида асаб системаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўткир учли сўгал якка-якка учрайди. У қўшувчи тўқимадан тузилган бўлади. Бу сўгал тури терининг терлайдиган жойларида пайдо бўлади. Ясси сўгал эса кўпинча болаларда ва ўсмирларда учрайди.

Хўш, сўгални қандай йўқотиш мумкин? Сўгалларни йўқотиш учун электрокоагуляция, болалар сўгалини карбонат ишқори билан қуйдириш яхши натижа беради. Ёзда лупа ойнаси орқали қуёш нури тушириб, уни қуйдириш мумкин. Сўгални йўқотиш тадбири яна қўйидагича амалга оширилади: қончўп (чистотел) номли гиёҳ ширасидан олинади ва ғўр, майда беҳининг суви бир неча бор суртилади, пировардида саримсоқ пиёз, хом картошкани қирғичда қириб, бир сутка мобайнида сўгалга босиб қўйилади.

Анжир баргидан чиқадиган «сут» ҳам фойдали. Шу ўринда бир мисол келтираман. Бир ўқитувчининг қўл панжасида сўгал бор эди. Дори-дармон билан муолажа қилди, аммо давоси яхши бўлмади. Кунлардан бир кун ҳовлисидаги анжирнинг баргини узиб олаётганида баргдан чиқадиган «сут» сўгалга суртилади. Бу ҳол бир неча бор такрорланади. Маълум бир вақт ўтгач, қараб кўрсаки сўгал йўқолибди. Ҳайратдан лол қолибди...

Саноат миқёсида «Ферезол» номли доривор препарат ишлаб чиқарилмоқда. Бу дори сўгални йўқотишда фақат даволаш муассасаларида қўлланилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
фарғоналик доришунос.

ТИШИНГИЗ ОҒРИБ ҚОЛСА...

Аҳоли яшайдиган жойлардан узоқда бўлган пайтларда, сайру-саёҳатда ёки тун ярмида одамнинг тиши тўсатдан оғриб қолиши мумкин. Бундай вақтда тиш шифокорига кўрсатиш имкони бўлмайди. Агар тишингиз оғриқ бера бошласа ёнингизда амидопирин, анальгин ёки аспирин таблеткасидан бирортаси борми? Ана шу таблеткаларнинг бирортасидан қунига биттадан уч маҳал ичинг. Ёки тишингиздаги овқат қолдиқларини тиш тозалагич билан олиб ташланг-да, ковагига аспирин таблеткасини майдалаб қўйиб, устидан пахта бостиринг.

Саримсоқ ёки ош пиёзга туз қўшиб тайёрланган аралашма ҳам тиш оғриғини қолдириши мумкин. Бунинг учун саримсоқ ёки пиёзни майда тўғраб, бўтқа қилинг ва озгина туз қўшиб, яхшилаб аралаштиринг (икковидан тенг миқдорда олинг, масалан, чорак қошиқдан). Тиш ковагини овқат қолдиқларидан тозаланг-да, ана шу аралашмадан солиб, устидан пахта қўйиб қўйинг. Туз яллиғланган жойда ҳосил бўлган экссудатнинг қайтишига ёрдам беради, пиёз ва саримсоқда эса бактерияларни ўлдирадиган кучли фитонцидлар бўлади.

Асалари муми ҳам тиш оғриғини қолдиради. Тиш ковагини тозалаб, озгина асалари муми қўйиб қўйинг. Унинг таркибида бўладиган биологик актив моддалар яллиғланишига қарши ва оғриқсизлантирадиган таъсирга эга.

Яна бошқа бир усул бор. Агар сизнинг чап жағдаги тишингиз оғриб қолса, (у пастки жағдами, юқори жағдами, бунинг фарқи йўқ), саримсоқнинг бир бўлагини кесинг-да, ўнг қўлингиз билагида уриб турган томир устига саримсоқнинг кесилган томони билан қўйиб, устига лейкопластир ёпиштиринг ёки бинт билан маҳкам боғлаб қўйинг. Агар ўнг жағдаги тиш оғриса, чап қўлдаги томир уриб турган жойга саримсоқни айтиб ўтилган усулда қўйинг. Бу усул тиш оғриғини қолдиришда самарали усулдир.

Немис олимлари тиш оғриғини қолдирадиган жуда қизиқ усулни тавсия этадилар. Тиш оғриётганда чўқайиб ўтирсангиз, бу усул оғриқ қолдирадиган таблеткаларга нисбатан тезроқ ва самаралироқ таъсир этар экан.

Маъфират ОРИФЖОНОВА
тайёрлаган.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Одам трамвайда заҳарланадими?»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 11 август сонида юқоридаги сарлавҳа билан мақола босилган эди. Унда Собир Раҳимов район профилактик дезинфекция бўлими (ОПД) омборидан мутахассис-ишчилар зараркунанда ҳашарот ва жониворларга қирон келтирувчи заҳарли моддаларни сумкаларда олиб чиқишлари, шаҳар транспортида бу моддалар ҳиди ҳавога тарқаши, бунга сабаб шу заҳарли моддалар ҳиди чиқмайдиган (герметик) тарзда қадоқланмаслиги кўрсатиб ўтилган эди. Редакциямиз шу танқид юзасидан Собир Раҳимов район профилактик дезинфекция (ОПД) бўлими бошлиғи М. Н. Юсуповадан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди.

«Одам трамвайда заҳарланадими?» мақоласи С. Раҳимов район профилактик дезинфекцияси бўлими ишчи-хизматчилари очиқ мажлисида муҳокама қилинди ва унда кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. Ишчиларимиз ҳар куни объектларни ишлаш учун етарли миқдорда зараркунандаларга қирон келтирувчи заҳарли моддаларни ўз сумкаларида олиб кетадилар. Бу заҳарли моддалар ишчиларга қадоқлаб берилса-да, иссиқ ҳавода ҳиди чиқиб, атрофга тез тарқалади ва ҳавони бузади. Тошкент шаҳар ижроия комитетининг махсус қарорларида ҳам жамоат транспортларида заҳарли моддаларни ташиш ман этилган. Шуларни назарда тутадиган бўлсак, профилактик дезинфекция бўлимлари (ОПД) мутасадди раҳбарлари заҳарли моддаларни иш жойларига олиб борадиган санитария транспорти билан таъминлашлари керак, акс ҳолда ишчиларимиз заҳарли моддалар билан объектларга боргунча жамоат юрадиган транспортдан фойдаланишга мажбурдирлар».

РЕДАКЦИЯДАН: Шаҳримизда зараркунанда ҳашарот ва жониворларга қарши заҳарли моддаларни қўллашда қатъий эҳтиёт чораларини кўриш, уларни мутахассис ишчиларга топширганда яхши қадоқланган бўлишига эътибор бериш керак. Заҳарли модда ҳиди чиқмайдиган тарзда маҳкам қадоқланса, унинг ҳиди ҳавога тарқалишига ҳарорат юқори-пастлиги баҳона бўлмайди. Редакцияга берилган жавобда ҳақли талаб этилганидек, шаҳримиздаги профилактик дезинфекция (ОПД) бўлимлари махсус санитария транспорти билан таъминланишлари зарур. Бу ҳақда мутасадди ташкилот раҳбарларидан жавоб кутамиз.

Китоб жавонингизга

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тери-таносил касалликларининг тури ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, буларнинг олдини олиш, даволаш шу кун тиббиётининг энг долзарб масаласи бўлиб турибди. Айниқса, қўтир, терн сили, пес, мохов, сўзак, захм ва ниҳоят оғир СПИД хасталигини даволашнинг турли усуллари ўйлаб, тажрибаларда синаб кўрилаяпти. Шу нуқтаи-назардан Эгамқул Эшбоев ва Ҳаким Алимовларнинг «Медицина» нашриётида чоп этилган «Тери-таносил касалликларини аниқлашнинг лаборатория усуллари» китоби муҳим амалий ва илмий қимматга эга қўлланма бўлди.

Китоб муаллифлари тери анатомияси ва гистологияси, тери касалликларининг диагностикаси, таносил хасталикларини лабораторияда аниқлаш ва даволаш усуллари ҳақида атрофлича маълумот беришган. Бу китоб касалликни аниқлаш лабораторияларида ишловчи ўрта маълумотли шифокорларга ва тиббиёт билим юртини тугатган талабаларга мўлжаллаб чиқарилган.

ҲУСН КЎРКИ

«Тиш — гавҳар, уни асраш керак. Гавҳарни топиш мумкин, лекин йўқотилган тишни топиб бўлмайди. Шундай экан, инсон ўз тишларини сақламоғи лозим». Бу сатрлар медицина фанлари номзодлари Т. Мусашайхов ва Ф. Жумагалиеваларнинг «Медицина» нашриётида чоп этилган «Соғлом тишлар — саломатлик гарови» китобидан олинди. Китоб муаллифлари тишнинг саломатликда муҳим аҳамияти борлигини, садафдек оқ тишлар ҳусни ярашишини, тишлар тушиб кетганда юз тузилиши ўзгаришини, тишнинг турли касалликлари ва уларни даволаш усулларини, ясама тишлардан фойдаланиш йўлларини, оғиз ва тишларни озода-тоза тутишда қайси дори-дармонлар ва қандай пасталардан фойдаланишни атрофлича баён қилишган.

Мазкур китобдан стоматолог шифокорлар, тиш усталари, тиббиёт ҳамширалари ва кенг ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тўлқин АШРАФХОНОВ.

Жонажон Ватан бўйлаб



Москва. «Мир»—«Квант» орбитал комплексига одам бошқарадиган навбатдаги экспедициягa ҳозирлик тугай деб қолди. Космик кема ер атрофидаги илмий лабораторияга экипажни сентябрь ойида элтиб қўяди.

Парвозга икки экипаж ҳозирлик кўраяпти.

СУРАТДА: космонавтлар А. С. Викторенко ва А. А. Серебров Ю. А. Гагарин номидаги космонавтларни тайёрлаш марказидаги гидроҳавзада навбатдаги машқларнинг бошланиши олдидан.

А. Пушкарев сурати (ТАСС).

* * *

Август ойи ниҳоясига етаяпти. Сабзавот ва мевалар айни гарқ пишган пайт. «Ашхобод» кинотеатри олдидаги ярмаркада эса ҳеч вако йўқ

Б. Кавашкин сурати (ТАСС).



«ОРБИТА» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Метронинг Ҳамид Олимжон станциясидаги тўққиз қаватли бино олдида «Орбита» сервис магазини ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлади. Бу савдо шохобчасининг шаҳримиздаги бошқа магазинлардан фарқи шундаки, унда мамлакатимиздаги корхоналарда тайёрланаётган ҳар хил маркадаги телевизор, радио, магнитофонлар тўппа-тўғри магазинга келтирилиб сотилади ва харидорларнинг уйларига элтиб берилади. Кенг, замонавий, нақш билан ишланган кўркам савдо залида харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

СУРАТЛАРДА: савдо залида.

Р. Шарипов суратлари.

Кафтдаги чандиқ

(Қатра)

... Нонларни стол устига ёйдим. Ҳозиргина тандирдан чиққан. Бўрсилдоқ.

— Ёпганнинг қўли дард кўрмасин, — лоладек кулиб турган нонларга бувимнинг ҳаваси келди.

Биргина нонга қолганда эса...

— Нонвой тушмагур огоҳ бўлиб турса, юзи куймасмиди, — дейди бувим ўша биргина нонинг куйган жойини силаб. — Деҳқон тупроқдан йўқни бор қилади. Унинг меҳнатини бекадр қилиш яхшимас, Тўғрими, Ҳамид?!

— Ҳа. Агар биз нонни увол қилсак катталардан гап эшитамиз.

— Ким нонга бефарқ қараса ўзига қийин, болам.— Шу дам бувим оғир ўйланиб кафтидаги чандиққа боқади. — Бу сабил ўша машъум зилзиладан эсдалик. Нон деб куйманганимдан эсдалик. Ўшанда мен нонни куйдирмадим. Майли, бу сабилга розиман. Нон имон, Нонним куймади. Минг қатра шукр, имоним саломат...

Кафтларидаги чандиқнинг бонсини ўзларидан эшитганман: тандирга ёпилган кулчалар чўғ тафтини талашиб кўпчирди. Тезлаб оқмасин, деб бувим кулчаларга сув пуркаркан бирдан ер гумбирлаб, силкинади. Ҳаммаёқ қийчув. Тўс-тўполон. Бувимнинг силкиниш қайтишини кутишга вақти зиқ. Олов нонни куйдириб, юзига қора суркаши мумкин. Қизарган нонларни уза бошлаганда силкиниш қайтиши оғирроқ ўтади. Тандир деволи тарс-тарс ёрилади. Бувим тандирни қучоқлаб нон узади. Елиги куйса ҳам кўзлари тутундан ачишса ҳам нон узади. Ҳар узганда гапи шу: «Ризқим куймасин-ей, ёмон уволи». Тутаб ёнаётган елик ичра кафтлари куйди-ю, зилзила нонни куйдира олмади.

Шуларни ўйлаб, бувимга қойил қоламан.

— Ўша далғовли кундаям нон увол бўлмасин, деб жонизни ҳам аямапсиз-а, — серажин юзларига тикилиб қоламан.— Ҳозиргилар эса...

— Шунисига ачинаман-де, болам. Кичикни-кичик десак, баъзан катталар ҳам тўқликка шўҳлик қилишади. Инсофга келиб қолишар.

— Мен-ку қўлингиздаги чандиқ ҳақида яхши биламан, — дейман бувимга, — кечқурун неваларингиз чуғурчуқдек жам бўлишади. Шунда зилзила, чандиқ, куймаган нонларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. Увоқ тўкилса ердан елгиси келмайдиган Садир ҳам, бу қаттиқроқ, бу эски, юмшоғи қани деб, нон танлайдиган Нодир ҳам нонни қандай азиз қилганингизни билиб қўйишсин.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.
Тошкент область Қалинин районидаги «Партия XX съезди» колхозининг боғбони.

Бир қайнови ичида гаплар

● «Чашма»ни ҳозиргина тугатдим, «Ширин»дан берайми? Ёки «Навбаҳор»дан олайсизми?

(Сотувчининг гапидан).

● Мен деразага тошни безорилик ниятида отганим йўқ. Ҳамма бирдек тежамкорлик учун курашаётган бир пайтда кечаси чироқни ёқиб ётганларни эслатмоқчи эдим, холос.

(Суддаги гапдан).

● Мен уйғонганимда ёнимда шерикларим кўринмас, лекин, 70 сўм пулим ғойиб бўлганини қалбдан ҳис қилиб турардим.

(Пиёнистанинг гапидан).

● Атроф шундай қоронғу эдики, ҳатто ҳов анови минорани ҳам кўриб бўлмасди.

(Ҳовлиқманинг гапидан).

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА
(Киров кўчаси, 24-уй)
5 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ
кадрлар бўлимлари ходимларини қайта ўқитиш
ИККИ ОЙЛИК
КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Ўқиш ҳафтада икки марта, соат 15 дан 18.00 гача, экспресс-университет методида ўтказилади.

ТАЪЛИМ УЧУН НАҚД ПУЛ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Справкалар учун телефон — 56-69-84.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Госстройи ҳузуридаги Давлат архитектура комитетининг

«ЎЗНИИП ГРАДОСТРОЙТЕЛЬСТВО» ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ФОТО ХИЗМАТЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— Турли хил ҳужжатлардан негативлар тайёрлаш ва фотосуратлар ишлаб бериш;
— макетлардан фотосуратлар тайёрлаш;
— буюртмачининг негативидан фотосуратлар тайёрлаб бериш;
— микрофильмлар тайёрлаш.

Бажарилган иш учун пул ўтказиш йўли билан (амалдаги прейскурантга кўра) ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Справкалар учун телефон — 41-45-42. соат 9 дан 11.00 гача мурожаат қилинсин.

Ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИНИНГ БОШ ПЛАНЛАР БЎЛИМИ

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚУЙИДАГИ ТУРДАГИ ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРАДИ:

бош планлар (микрорайонлар, посёлкалар, гараж ва омбор зоналари, автомобиль турар жойлари, дам олиш зоналари, алоҳида бинолар ва иншоотлар қурилиши ва ҳоказолар.).

Территорияларни ободонлаштириш (вертикал планлаштириш);

подъезд, ички автомобиль ва темир йўллар;

намойиш этиш ва бошқа турдаги ишлар.

СИФАТ ВА МУДДАТ УЧУН КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ:

Адрес: Тошкент шаҳри, 31-алоқа бўлими, Герман Лопатин кўчаси 66-уй, 5-корпус. Телефонлар — 39-46-71, 39-46-70.

ТЕМИРИЙЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ
(Пролетар кўчаси, 30-уй).
ЭСТРАДА ВОКАЛЬ АНСАМБЛИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

29-хонада рўйхатга олинади.

Справкалар учун телефон — 32-47-85.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 24-ўрта мактаб томонидан **Падхалаева Раъно Хабибуллаевна** номига берилган 283968 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИРРИГАЦИЯЛАШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга СССРнинг 34 ёшгача бўлган, тўлиқ ўрта маълумотли гражданлари — илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан истеъфога бўшатилган кишилар, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ҳарбий қисмлар командирлигининг, йўлланмалари билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берилаётган дақиқада икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлишлари лозим.

Тайёрлов бўлимига йўлланма билан келган кишилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ректор номига ариза, корхона, ташкилот, колхоз, совхоз, ҳарбий қисм командирлигининг йўлланмаси, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган), медицина справкаси (086/У форма), 10 дона фотосурат (3х4 см.).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР — 1989 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯБРИДАН 15 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар уларнинг тайёрлов бўлимида таълим олишга қанчалик тайёр эканликларини аниқлаш мақсадида математика ва физикадан суҳбатдан ўтадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1989 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимига юқорида санаб ўтилган шахслардан ташқари, умумий таълим мактабларини битириб чиққан ўқувчилар — 1989 йилда мактабни тамомлаган, ўқувчилик бригадалари, ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари ҳам қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирганлар ётоқхона, ойига 40 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар кириш имтиҳонларисиз институтнинг 1-курсига қабул қилинадилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори Ниёзов кўчаси, 39-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЎЗБЕКГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИГА:

вахта методида ишлаш учун 6-разрядли газ электрпайвандчилар.

Ўзбекистон ССР Нон маҳсулотлари министрлигининг
ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА:

лойиҳа бош инженери, стакчи қурувчи-инженерлар, I ва II категориядаги қурувчи инженерлар, автоматлар бўйича электриклар, 1-категориядаги электриклар.

Ўзбекистон ССР Махсус қурилиш-монтаж министрлигининг
АВТОБАЗАСИГА:

«В», «С», «Е» категориядаги автомашина ва ЗИЛ-130 автокрани ҳайдовчилари.

153-қурилиш трестининг янгитдан ташкил этилган
ИЖАРА ПУДРАТИДАГИ 5-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

бош бухгалтер, бош механик, прораблар, ғишт терувчилар, монтажчилар, ҳамма разрядлардаги электр пайвандчилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

«МАТБУОТ» БИРЛАШМАСИГА:

муқовасозлар, ноширлар, қўлда ҳарф терувчилар, полиграфия ускуналарини созловчилар, полиграфия ихтисосига эга бўлмаган ёшлар.

«АГРОПРОМРЕМСТРОЙМОНТАЖНАЛАДКА» ИХТИСОСЛАШГАН МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ КООПЕРАТИВИГА:

Боғ-ҳовли уйлари қурилиши учун қурилиш касбидаги ишчилар.

«ЭЛЕКТРОГАЗОСВЕТМОНТАЖ» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

техника хавфсизлиги бўйича инженер, газ-электр пайвандчи, электр монтажчи.

СПРАВКАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Космонавтлар проспекти, 6-уй ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимларига:

Акмал Икромов райони — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
Киров райони — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Куйбишев райони — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Ленин райони — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь райони — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
С. Раҳимов райони — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели райони — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.
Фрунзе райони — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
Ҳамза райони — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Чилонзор райони — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ

мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни бадиий ҳаваскорлик коллективларига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Намунавий расм чизиш студияси.
Намунавий доирачилар ансамбли.
Намунавий «Чебурашка» хореография ансамбли.
Ўзбек рақс коллективи.
Рубобчилар ансамбли.
«Ёш киномеханик».
«Рассвет» вокал ансамбли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри; Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй. Телефонлар — 53-48-71, 53-36-34.

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ 17-«ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ

С. ЕСЕНИНИНГ 2 ТОМЛИК АСАРЛАР ТЎПЛАМИГА

ОБУНА ЎТКАЗАДИ

Бай ҳақи — 1сўм.

ИККИ ТОМЛИКНИ 1990-1991 ЙИЛДА ЧИҚАРИШ МЎЛЖАЛЛАНГАН.

ОБУНАЧИЛАРГА КИТОБЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ТОМЛАРИ БЕРИЛАДИ:

Д. ГРАНИН, 1, 2-томлар.
ШОЛОМ АЛЕЙХЕМ, 3-том.
В. ТЕНДРЯКОВ, 5-том.
Г. ФЕДОСЕЕВ, 1-том.
В. ДАЛЬ, 1-том.
Ф. ДОСТОЕВСКИЙ, 5-том.
К. УШИНСКИЙ, 4-том.

ЎҚИТУВЧИ КУТУБХОНАСИ, 17-китоб (Д. Фурманов, Н. Островский).

Л. ФЕЙХТВАНГЕР, 4-том.

СССР ҚОНУНЛАР МАЖМУАСИГА ҚЎШИМЧА ТОМ — 1 сўм 70 тийиндан.

Адрес: Тошкент шаҳри, ЎзССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй. Телефон 44-57-41.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ АЁЛЛАР, ҚИЗ БОЛАЛАРНИ ОШПАЗЛАР ТАЙЁРЛАШ ГРУППАСИГА
11 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида ўқувчилар ўз таннархидаги овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, 54—63 сўм ҳажмда маош оладилар.

Курсларни тамомлагач ўқувчиларга 3-разрядли ошпаз гувоҳномаси берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Хоҳловчилар ишчи ёшлар мактабида ҳам ўқишлари мумкин.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 11-квартал, 35-уй. Кадрлар бўлими. Телефон — 76-49-54.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

Репертуар плани

2 сентябрда — ИОЛАНТА.
3 сентябрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00). **КАРМЕН** (19.00).
5 сентябрда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
6 сентябрда — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
7 сентябрда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
8 сентябрда — РАЙМОНДА.
9 сентябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
10 сентябрда — АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00). **ТУМАРИС** (19.00).
12 сентябрда — АИДА.
13 сентябрда — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
14 сентябрда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
15 сентябрда — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
16 сентябрда — МАСХАРАБОЗЛАР.
17 сентябрда — ГУЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00). **ДОН КАРЛОС** (19.00).
19 сентябрда — ФАУСТ.
20 сентябрда — ДОН КИХОТ.
21 сентябрда — ХИВА ОРДЕНИ.
22 сентябрда — ЧИО-ЧИО-САН.
23 сентябрда — КОНЦЕРТ.
24 сентябрда — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00). **ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ** (19.00).
26 сентябрда — ЗЕБУННИСО.
27 сентябрда — ҚУЕШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
28 сентябрда — ОТЕЛЛО.
29 сентябрда — УЙҚУДАГИ ГУЗАЛ.
30 сентябрда — ПЕТР БИРИНЧИ.

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

Справкалар учун телефонлар — 33-90-81, 33-33-44.

Ўзбекистон ССР Давлат Статистика комитети

кадрлар тайёрлаш бошқармасининг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1989-90 ўқув йили учун

халқ хўжалигининг турли соҳалари учун

БУХГАЛТЕРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ

ПУЛЛИ КУРСЛАРГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқув комбинати саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, савдо ташкилотлари, бюджет муассасалари, қишлоқ хўжалиги бухгалтерларини тайёрлайди (кундузги таълим).

ЎҚИШ КУНДУЗ КУНИ ВА КЕЧҚУРУН ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: кундузги — 6,5 ой, кечки — 10 ой.

Курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: аттестат нусхаси, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 2 дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй (17э, 24э, 101э автобуслар; 17, 18-тролейбусларнинг «Тошкент область бошқармаси» бекати). Справкалар учун телефонлар — 67-19-39, 67-19-59.

Тортнинг устига мен «Туғилган кунинг билан» деб ёзаман!



Крем учун мўлжалланган шприц ёрдамида тортни гуллар билан ясатиш, унинг устига чиройли ёзув тушириш, пироженоенинг ичига крем солиш мумкин.

Агар рўзғорингизда миксер бўлмаса, ШПРИЦ-КЎПИРТИРГИЧ сотиб олишни маслаҳат берамиз. Бундай шприц гул солибгина қолмай, кремни кўпиртириб ҳам беради.

Крем учун мўлжалланган шприц-кўпиртиргичнинг баҳоси — 2 сўм 80 тийин.

Крем учун мўлжалланган шприцнинг баҳоси — 1 сўм 45 тийин.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИДА ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ШПРИЦ-КЎПИРТИРГИЧ ВА КРЕМ СОЛИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ШПРИЦЛАР БОР.

Телефон — 96-07-12.

«УЗХОЗТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО УЛГУРЖИ БАЗАСИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Сўғд элининг қоплони** (19.00), 30/VIII да **Севги тумори**, 31/VIII да **Фауст.**

Кино

30 АВГУСТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (катта зал, 17, 20.00), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, кичик зал 17, 19.30).

Дружба — «ЯККА ЎЗИ» (16, 17, 18, 19, 20.40), «ЁҚУТ КЎЗЛИ БИЛАГУЗУК» (12.00).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Восток — «ТОНГ» (16, 18.30, 21.00).

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ЁВВОЙИ ҚАЛБ» (17, 19, 21.00),

Ватан — ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.40).

М. Шайхзода номли — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (16, 18.30),

К. Ёрматов номли — «ИШҚ ДАРДИ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).

Қозоғистон — ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (16, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).

31 АВГУСТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ШАРЛО» ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (катта зал, 17, 20.00), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, кичик зал, 17, 19.30).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да),

Восток — «ТОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ЁВВОЙИ ҚАЛБ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Ватан — «ҚАРЗ ҚОҒОЗЛАРИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

М. Шайхзода номли — «ТОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

К. Ёрматов номли — «ИШҚ ДАРДИ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).

Қозоғистон — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 12, 13, 14, 16, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИШҚ ДАРДИ» (11, 14.00);

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).

Ўзбек давлат филармонияси коллективи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Шукуровга отаси **Шукур АЗИЗОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ташкнига» шаҳар китоб савдоси идораси коллективи Тошкент шаҳар кутубхоналар коллекторининг бўлим мудири Г. А. Бочкаревага отаси **Янов Марнович ВАЙЛининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р — 04306. Б. — 2017. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10